

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХАММЕДОВ ИҚБОЛ ИЛХОМ ЎҒЛИ

PENICILLIUM BREVICAULE ALBA-CC200 VA *ASPERGILLUS
EGYPTICUS-HT166S* ЭНДОФИТ ЗАМБУРУҒЛАРИДАН ОЛИНГАН
ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ α -АМИЛАЗА ФЕРМЕНТИ
ИНГИБИТОРЛАРИНИ ҚИЁСИЙ БАҲОЛАШ

03.00.12 – Биотехнология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мухаммедов Иқбол Илхом ўғли

Penicillium brevicaule alba-CC200 ва *Aspergillus egypticus-HT166S*
 эндофит замбуруғларидан олинган ошқозон ости беги α -амилаза
 ферменти ингибиторларини қиёсий баҳолаш..... 3

Мухаммедов Иқбол Илхом ўғли

Сравнительная оценка ингибиторов фермента панкреатической α -
 амилазы, полученных из эндофитных грибов *Penicillium brevicaule*
alba-CC200 и *Aspergillus egypticus-HT166S*..... 21

Mukhammedov Iqbol Iham o'g'li

Comparative evaluation of pancreatic α -amylase enzyme inhibitors
 obtained from endophytic fungi *Penicillium brevicaule alba-CC200* and
Aspergillus egypticus-HT166S..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
 List of published works 42

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХАММЕДОВ ИҚБОЛ ИЛХОМ ЎҒЛИ

PENICILLIUM BREVICAULE ALBA-CC200 VA *ASPERGILLUS*
EGYPTICUS-HT166S ЭНДОФИТ ЗАМБУРУҒЛАРИДАН ОЛИНГАН
ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ α -АМИЛАЗА ФЕРМЕНТИ
ИНГИБИТОРЛАРИНИ ҚИЁСИЙ БАҲОЛАШ

03.00.12 – Биотехнология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/B417 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (info-microbio@academy.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Рузиева Дилором Муталибовна биология фанлари номзоди
Расмий оппонентлар:	Ташмухаммедова Шохиста Собировна биология фанлари доктори, профессор Махсумханов Аҳмаджон Азамхонович биология фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Микробиология институти DSc.02/30.12.2019.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «17» февраль соат 10:00даги мажлисида бўлади (Манзил: 100128, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7Б уй, Микробиология институти конференция залида). Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: info-microbio@academy.uz.

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. () рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7Б уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-кават, кутубхона). Тел.: (+99871)241-92-28.

Диссертация автореферати 2022 йил « 4 » февральда тарқатилди.

(2022 йил « 4 » февраль № 2 рақамли реестр баённомаси)



Арипов Тахир Фатихович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор, академик

Жураева Рохила Назаровна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Гулямова Ташхан Гафуровна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қандли диабет касаллигига қарши курашиш соғлиқни сақлаш тизимининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Халқаро қандли диабет федерацияси маълумотларига кўра, дунёда 415 миллион киши диабет билан касалланганлиги аниқланган. Шунингдек, қандли диабет касаллигининг 90% 2-тоифа қандли диабет бўлиб, бу нефропатия, ретинопатия ва юрак-қон томир касалликлари каби жиддий асоратларга олиб келади. Сўнги йилларда 2-тоифа диабетни даволашда қанд миқдорини камайтирувчи дориларнинг клиник самарадорлиги исботланган. Таъкидлаш жоизки, ошқозон ости беzi α -амилазасининг тижорат ингибиторлари (Акарбоза, Миглитол) бир қатор жиддий ошқозон-ичак салбий таъсирига эга бўлиб, диабет касаллигини даволашни мураккаблаштиради. Шу сабабли, табиий манбалардан профилактик ва терапевтик мақсадларда гипогликемик препаратларни яратишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда антидиабетик ўсимликларнинг табиий иккиламчи метаболитлари ва уларнинг ингибитор фаолликка эга эндофитлари янги дори воситаларини ишлаб чиқариш манбалари сифатида фармацевтикада кенг қўлланилмоқда. Доривор ўсимликларнинг эндофит замбуруғлари симбиоз ўсимликлар билан бир хил моддаларни, жумладан, α -амилаза ингибиторларини синтез қилиш қобилияти туфайли минимал салбий таъсирга эга бўлган гипогликемик бирикмаларнинг муқобил ишлаб чиқарувчилари сифатида истиқболли объект ҳисобланади. Эндофитлар антиоксидант, антимиқроб, иммуномодулятор, антиканцероген ва бошқа хусусиятларга қўшимча равишда гипогликемик таъсирга эга бўлиб, улар алкалоидлар, хинонлар, флавоноидлар, терпеноидлар ва бошқаларни ўз ичига олган ноёб тузилишга эга бўлган иккиламчи метаболитларнинг тез ҳосил қилувчи ва осонлик билан қайта тикланадиган манбаидир. Шу боис, антидиабетик ўсимликларнинг эндофит замбуруғларини гипогликемик бирикмаларнинг истиқболли ишлаб чиқарувчилари сифатида аниқлаш ва улар асосида юқори терапевтик фаолликка эга бўлган янги ингибитор дори воситаларини яратишга қаратилган тадқиқотлар илмий қизиқиш уйғотади ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда аҳолини сифатли ва юқори самарали дори воситалари билан таъминлаш мақсадида, саноат учун муҳим бўлган маҳаллий штаммлардан табиий биологик фаол бирикмаларни ажратиб олиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, фаол эндофит замбуруғларни танлаш ва уларнинг амалий аҳамиятини баҳолаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устивор йўналишида¹ “...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш.” вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда доривор ўсимликларнинг эндофит замбуруғлари томонидан ишлаб чиқариладиган гипогликемик бирикмаларнинг табиатини аниқлаш ва ўрганиш, антидиабетик препаратларни олиш усулларини ишлаб чиқиш учун улардан муқобил манбалар сифатида фойдаланишни қиёсий баҳолаш бўйича тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон “Ўзбекистон республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармацевтика” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гипогликемик хусусиятларга эга эндофит замбуруғларни ўрганиш бўйича жаҳон адабиётининг мавжуд маълумотларига кўра, бир қатор муҳим натижалар қўлга киритилган, хусусан, *Penicillium pimiteouiense* SGS эндофит замбуруғи экстрактининг гипогликемик таъсири (Dinesh S. ва бошқ., 2017), *Fusarium equiseti* эндофит замбуруғининг α -амилазага ингибитор фаоллиги (Ranjan A. ва бошқ., 2019), *Penicillium sp.* нинг α -глюкозидазага ингибитор фаоллиги (Minh H. ва бошқ., 2019), *P. oxalicum* метанол экстрактларининг ингибитор фаоллигининг IC₅₀ қиймати 46,73 мг/мл (Bisht R. ва бошқ., 2019), *Aspergillus awamori* штаммининг α -амилазани 81% ингибиторлик таъсири (Singh B. ва бошқ., 2015), *Aspergillus sp.* эндофит замбуруғининг антидиабетик фаоллиги (Govindappa M. ва бошқ., 2015). Умуман олганда, мавжуд маълумотлар эндофит замбуруғларнинг ингибитор табиатига эга антидиабетик бирикмаларини юқори потенциалга эга ишончли янги манбалар сифатида кўрсатади.

Мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам бир қанча ишлар олиб борилган. ЎЗР ФА Микробиология институти “Физиологик фаол моддалар биокимёси ва биотехнологияси” лабораториясида Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган доривор ўсимликлар эндофит замбуруғларининг гипогликемик хусусиятларини ўрганилган. Скрининг натижасида, антидиабетик доривор ўсимликлардан *Celosia cristata* ва *Helianthus tuberosus* дан ажратиб олинган энг фаол *Penicillium brevicaulae alba-CC200* ва *Aspergillus egypticus-HT166S* штаммлари танланган.

Шуни таъкидлаш керакки, МДХ мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида 2-тоифа диабет касаллигини даволаш учун мўлжалланган препаратлар ишлаб чиқарилмайди, балки чет элдан олиб келинади (савдо номлари “Acarbose” Германия, “Miglitol” Ҳиндистон ва “Voglibose” Япония). Шу муносабат билан Республикамизда антидиабетик препаратларга бўлган талабнинг ортиши, гипогликемик таъсирга эга дори воситалари ишлаб чиқариш, α -амилаза ингибиторларини ишлаб чиқарувчи эндофит замбуруғларидан фойдаланиш ва уларни диабет касаллигини даволаш амалиётига киритиш муҳум илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Микробиология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А6-Т109 “Ўзбекистон доривор ўсимликларидаги эндофит замбуруғларининг метаболитлари α -амилаза ингибиторлари сифатида” (2015-2017 йй.) ва ПЗ-20170914133 “Антидиабетик ўсимликларнинг эндофит замбуруғларидан α -амилаза ингибиторларини олиш” (2018-2020 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эндофит замбуруғларининг танланган фаол штаммларидан ошқозон ости бези α -амилаза ингибиторларини ажратиб олиш, уларнинг кимёвий табиатини аниқлаш ва гипогликемик препаратлар ишлаб чиқариш учун улардан фойдаланиш истиқболларини қиёсий баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

P. brevicaula alba-CC200 ва *A. egypticus-HT166S* штаммларининг ингибитор фаоллигини ошишига олиб келувчи ферментация усулларини танлаш ва ўстириш шароитларини оптималлаштириш;

ўсимлик экстрактлари ва эпигенетик модификаторларнинг танланган эндофит культураларининг ўсиши ва биофаоллигига таъсирини аниқлаш;

юқори ингибитор фаолликка эга бўлган иккиламчи метаболитларни экстракциялаш ва фракциялаш усулларини танлаш;

алоҳида фаол фракцияларнинг кимёвий табиатини сифат анализи, хроматографик усуллар ва масс-спектрометрия ёрдамида аниқлаш;

фаол фракцияларининг тижорат α -амилаза ингибитори акарбозага нисбатан IC_{50} қийматлари, антиоксидант ва антимикроб хусусиятларини аниқлаш;

эндофит замбуруғларининг куруқ экстрактини диабетга қарши фаоллигининг экспериментал клиник олди синовларини ўтказиш;

α -амилаза ингибиторларининг фаол штамм-продуцентлари асосида янги гипогликемик препарат тайёрлаш бўйича лаборатория регламентини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Микробиология институти “Саноат учун муҳим микроорганизмлар коллекцияси” лабораториясида сақланиб келаётган *Celosia cristata* ва *Helianthus tuberosus* ўсимликларидан ажратиб олинган *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* маҳаллий штаммлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* иккиламчи метаболитлари томонидан ошқозон ости беzi α -амилазасини ингибиторлаш, улар асосида гипогликемик препарат яратиш ва унинг антибактериал, антиоксидант ва гипогликемик хусусиятларини аниқлашни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни ўтказишда умумий қабул қилинган микробиологик, биокимё, биотехнология ва хроматографиянинг классик ва замонавий усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *C. cristata* ва *H. tuberosus* ўсимликларида яшовчи *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* эндофит замбуруғлари ошқозон ости беzi α -амилазасига нисбатан юқори ингибитор фаолликка эга бўлган иккиламчи метаболитлар ҳосил қилиши аниқланган;

эндофит замбуруғларнинг тритерпен сапонинлар ва полиметоксилланган флавоноидлари α -амилаза ингибиторлари эканлиги асосланган;

P. brevicaule alba-CC200 ва *A. egypticus-HT166S* эндофит замбуруғлари юқори антиоксидант фаолликка эга эканлиги аниқланган;

илк бор барқарор ўсиши ва юқори фаол метаболитлар ишлаб чиқариш потенциалига эга бўлган *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* эндофитларининг маҳаллий штаммлари α -амилаза ингибиторларини ҳақиқий ишлаб чиқарувчилари бўлиб хизмат қилиши, самарадорлиги бўйича тижорат акарбоза ингибитори билан солиштириш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

янги импорт ўрнини босувчи гипогликемик препаратларни яратиш учун α -амилаза ингибиторларини ҳосил қилувчи *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* танланган маҳаллий штаммларидан фойдаланилиши асосланган;

α -амилаза ингибиторларини ҳосил қилувчи фаол штаммларидан янги гипогликемик дори ишлаб чиқариш учун лаборатория ва технологик регламенти ишлаб чиқилган;

“MED STANDARD” МЧЖ илмий марказида “*Penicillium brevicaule alba Thom-CC200* эндофит замбуруғининг қуруқ экстракти” аллоксан кўзғатувчи қандли диабет билан оғриган тажриба ҳайвонларда клиникадан олдинги синовлари ўтказилганда препарат экспериментал диабет шароитида глюкоза, липидлар ва бир қатор ферментлар даражасини нормаллаштириши ва мос дори препаратларидан кам бўлмаган ишончли антидиабетик фаолликка эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги экспериментал маълумотларни замонавий микробиологик ва биокимёвий усуллар ёрдамида олинганлиги, диссертация натижаларининг етакчи хорижий журналларда чоп этилганлиги, Стъюдент мезонлари ва Фишер дисперсион таҳлили (ANOVA) ёрдамида олинган натижаларни статистик қайта ишлаш, шунингдек, ваколатли давлат тузилмалари томонидан диссертация тадқиқотининг амалий натижаларини тасдиқлаш ва фойдали моделга патент олиш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* маҳаллий штаммлари α -амилазага қарши юқори ингибитор фаолликка эга бўлган иккиламчи метаболитлари антиоксидант, антимиқроб таъсирларга эга. *P. brevicaule alba-CC200* штаммининг гипогликемик фаоллиги тритерпен сапонинлар, *A. egypticus-HT166S* штамми полиметоксилланган флавоноидлар билан ўзаро боғлиқ, шунингдек, экстрактларнинг биологик ва фармакологик таъсирлари аниқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти танланган маҳаллий штаммларнинг ҳар бири янги антидиабетик препаратларни ишлаб чиқиш учун объект бўлиши мумкин, бу келажакда гипогликемик препаратлар рўйхатини кенгайтириш бўйича маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқариш имкониятларини сезиларли даражада ошишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* маҳаллий эндофит замбуруғлар штаммларидан α -амилаза ингибиторларини олиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида:

фармацевтикада ишлатиш учун панкреатик α -амилазанинг ингибиторини ҳосил қилувчи *Penicillium brevicaule alba-8E* эндофит замбуруғ штамми учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдали моделга патент олинган (№ FAR 01470, 2019.й). Натижада, α -амилаза ингибиторини ҳосил қилувчи штамм гипогликемик фаоллигига эга бўлаган метаболитларни ишлаб чиқариш имконини берган;

P. brevicaule alba-CC200 ва *A. egypticus-HT166S* штаммларидан ажратиб олинган иккиламчи метаболитларидан №ПЗ-20170914133 “Антидиабетик ўсимликларнинг эндофит замбуруғларидан α -амилаза ингибиторларини олиш” фундаментал лойиҳасида α -амилаза ингибитори, антиоксидант, антимиқроб ва антикоагулянт сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 23 апрелдаги 4/1255-1191-сон маълумотномаси). Натижада, *P. brevicaule alba-CC200* штаммининг иккиламчи метаболитлари диабетга қарши дорилардан кам бўлмаган ишончли антидиабетик фаолликка эга эканлигини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан 7 таси илмий мақола бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 5 таси республика нашрларида, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та фойдали моделга патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Эндофит замбуруғларининг умумий хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида антидиабетик препаратларни ишлаб чиқиш бўйича замонавий тадқиқотлар ҳолати, хусусан, 2-тоифа қандли диабет, эндофит замбуруғларни антидиабетик иккиламчи метаболитларининг ингибитор табиати, эндофитларни ферментацияси усуллари ва ўстиришни оптималлаштириш, полисахаридларни гидролиз ферментларини, хусусан, α -амилазани ингибитор қилувчи иккиламчи метаболитларининг кимёвий табиати ҳақида умумий маълумот берилган. Кўплаб чоп этилган мақолалар натижаларини танқидий таҳлил қилиш ушбу ишнинг мақсади ва асосий вазифаларини шакллантириш имконини берди.

Диссертациянинг **“Эндофит замбуруғлар иккиламчи метаболитларини ҳосил бўлишини оптималлаштириш ва улардан α -амилаза ферменти ингибиторларини тозалаш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объект, материал ва тадқиқот усуллари батафсил ёритилган. Тадқиқот усулларида *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* маҳаллий штаммларининг ўстириш шароитларини оптималлаштириш, ингибитор бирикмаларни экстракция усуллари, иккиламчи метаболитларни сифат ва миқдорий таркибини таҳлил қилиш, ЮҚХ усуллари, колонкали хроматография, ТИС-хроматография, масс-спектрометрия таҳлил усуллари, фаол фракцияларни антокидант ва антимиқроб фаолликларини аниқлаш усуллари ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“ α -амилаза ингибиторларини ҳосил қилувчи *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* штаммларининг ўстириш шароитларини оптималлаштириш ва иккиламчи метаболитлар хусусиятларини ўрганиш”** деб номланган учинчи бобида танлаб олинган эндофит замбуруғларининг α -амилазани ингибиторловчи иккиламчи метаболитлар фаоллигини ошириш учун ўстириш шароитларини оптималлаштириш, олинган иккиламчи метаболитларни кутбли ва кутбсиз эритувчилар ёрдамида дифференциал фракциялаш, юқори ингибитор фаолликка эга бўлган фракцияларнинг сифат ва миқдорий таҳлиллари, хроматографик усуллар ва масс-спектрометрия таҳлиллари ёрдамида идентификациялаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Ўзбекистонда доривор ўсимликларнинг эндофит микробиотасини ўрганишда *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* эндофит замбуруғлари акарбоза препаратига нисбатан анча паст IC₅₀ қийматига эга эканлиги аниқланган, бунинг натижасида улар кейинги тадқиқотлар учун истиқболли объектлар сифатида танлаб олинди. Аксеник ўстириш шароитида ингибитор моддаларнинг табиати ва уларни ишлаб чиқариш масаласи очик қолди. Ингибитор фаолликка эга бўлган иккиламчи метаболитларни ҳосил қилиш даражасини ошириш учун углевод манбалари (лактоза, глюкоза, сахароза, мальтоза) ва азот манбалари (NaNO₃, (NH₄)₂SO₄, казеин, пептон, ачитқи экстракти) озуқа муҳитлари скрининг қилинди ва оптималлаштирилди. Тажрибада “Материаллар ва тадқиқот усуллари” бобида келтирилган турли хил таркибдаги бешта озуқа муҳити ишлатилган.


Олинган маълумотларга кўра, юқори ингибитор фаолликка эга бўлган иккиламчи метаболитларнинг энг юқори миқдорини иккита муҳит - Чапек-Докс ва Сусло-ачитқи экстрактини ўз ичига олган озуқа муҳити таъминлаган (1-расм).



1-расм. Ҳар хил озуқа муҳити ва ўстириш шароитларида ўстирилган эндофит замбуруғлар экстрактларининг ингибитор фаоллиги

Асосий муҳит сифатида Чапек-Докс озуқа муҳити ишлатилган, бу муҳитнинг ферментация пайтида *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* штамларининг ингибитор фаоллиги суяқ ўстириш шароитининг 7-кунда мос равшда $81 \pm 0,26\%$ ва $76 \pm 0,22\%$ ни ташкил этди. Эндофитларни тебраткич ва тинч шароит билан солиштирилганда, суяқ ўстиришда иккиламчи метаболитларнинг ҳосил бўлиш даражаси ва уларнинг ингибитор фаоллиги юқори эканлиги аниқланди. Тажриба учун олинган углевод манбаларидан сахароза муҳити лактоза, мальтоза ва глюкоза билан солиштирилганда юқори натижалар олинган. Шундай қилиб, *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* штамларининг α-амилазага максимал ингибиторлик даражасини сахароза таъминлади ва мос равишда $81 \pm 0,26\%$ ва $76 \pm 0,22\%$, глюкоза $72 \pm 0,29\%$ ва $58 \pm 0,25\%$, лактоза $63 \pm 0,32\%$ ва $63 \pm 0,26\%$, ва мальтозадан фойдаланилганда $66 \pm 0,30\%$ ва $61 \pm 0,25\%$ ни ташкил қилди. Ўсиш динамикасида Чапек муҳити таркибидаги сахарозанинг бошланғич концентрациясини танлаш 2%, 4%, 6% ва 8% оралиғида амалга оширилди. 60 г сахароза концентрациясидан фойдаланганда *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* штамлари учун α-амилаза ингибиторининг энг юқори


киймати $88,7 \pm 0,27\%$ ва $84 \pm 0,29\%$ куруқ экстракти миқдори $160 \pm 0,25$ мг/г ва $34 \pm 0,26$ мг/г ни ташкил қилди (2- расм).



2-расм. *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* ўстиришда иккиламчи метаболитларнинг ингибитор фаоллигига сахарозанинг бошланғич концентрациясига боғлиқлиги динамикаси

Азот манбаларининг ингибитор фаолликка эга иккиламчи метаболитлар даражасига таъсирини ўрганишда NaNO_3 , $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$, казеин, пептон ва ачитқи экстракти билан Чапек муҳитида фойдаландик. Олинган маълумотлар ноорганик азотнинг оптимал манбаи NaNO_3 эканлигини кўрсатди. Органик азот манбалари орасида казеин ва ачитқи экстракти бўлган озуқа муҳити энг юқори таъсир кўрсатди, бу ерда *P. brevicaula alba-CC200* $94,3 \pm 0,27\%$ ва *A. egypticus-HT166S* $88 \pm 0,32\%$ ни ташкил этди. Натижада, биз юқори гипогликемик фаолликка эга бўлган иккиламчи метаболитларни оширишга ёрдам берадиган озуқа муҳитининг таркибини танладик.

Маълумки, суюқ ўстиришга муқобил бўлган турли арзон қаттиқ субстратлардан фойдаланиб камроқ энергия сарфлайдиган қаттиқ фазаги ферментация бўлиб, кўпинча ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳисобланади. Шундай қилиб, биз *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* қаттиқ фазаги ферментациясини “Материаллар ва тадқиқот усуллари” бобида кўрсатилганидек, озуқа моддалар билан намланган буғдой кепагида амалга оширдик (3-расм).



3-расм. Субстратни турли хил озуқа муҳитлари билан намланганда *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* штамmlарининг куруқ экстракт ва α -амилаза ингибиторларини тўпланиш динамикаси


Қаттиқ фазали ферментация шароитида *P. brevicaule alba-CC200* α -амилаза ингибиторини ҳосил қилувчи умумий экстракт даражаси *A. egypticus-HT166S* га қараганда юқори бўлганлиги аниқланди. Экспериментал шароитида иккиламчи метаболитларнинг максимал ингибитор фаоллиги субстрат жўхори шарбати билан намланганда кузатилди ва *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* да мос равишда $91,8 \pm 0,31\%$ ҳамда $82 \pm 0,34\%$ ни ташкил қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, эндофит замбуруғлардан амалий фойдаланишнинг асосий муаммоларидан бири аксеник шароитда такрорий монокультурада иккиламчи метаболитлар ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражада камайиши бўлиб, бу маълум метаболит йўлларининг симбиоз ўсимликларининг метаболитларига боғлиқлигини акс эттиради.

Уч йилдан ортиқ вақт давомида кўп марта монокультивация жараёнида биомасса ва иккиламчи метаболитларнинг кўпайишини кузатиш шуни кўрсатадики, *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* эндофит замбуруғлари кўплаб эндофит микроорганизмлардан фарқли ўлароқ суяқ ва қаттиқ фазада мақсадли ўстирилганда ингибитор бирикмаларни ишлаб чиқаришда барқарор ўсишни таъминлаш хусусиятига эга.

Шунга қарамай, мақсадли маҳсулотларни ишлаб чиқариш даражасининг ўсимлик метаболитларига боғлиқлиги имкониятини ҳисобга олган ҳолда, биз қуйидаги схема бўйича симбиоз ўсимлик экстрактлари ва улар билан боғлиқ бўлмаган эндофитларга ўсимлик экстрактларининг таъсирини ўргандик: *H. tuberosus* - *A. egypticus-HT166S*, *C. cristata* - *P. brevicaule alba-CC200*, *H. tuberosus* - *P. brevicaule alba-CC200* ва *C. cristata* - *A. egypticus-HT166S*. Тажрибаларимиз натижасида биз симбиоз ўсимлик экстрактлари фақат ўз эндофитларига ижобий таъсир кўрсатишини аниқладик, бу эса ўз навбатида *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* да биомасса ва иккиламчи метаболитларининг ҳосил бўлишини мос равишда 1,4 ва 2,5 баробарга оширди.

Мақсадли иккиламчи метаболитлар ҳосил қилишини кучайтириш учун аксеник ўстириш шароитида эндофитни метаболит профилига таъсир қилувчи омиллардан бири ҳозирги вақтда ядро оксилларини постсинтетик модификациялашга ва хроматин ҳолатига таъсир қилувчи эпигенетик модификаторлардан гистон диацитилаз ва ДНК метилтрансфераза ингибиторлари ҳисобланади. Тажрибаларимизда никотинамид, 5-азацитидин ва кварцетинни *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* культурал муҳитига қўшдик. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, барча ишлатилган модификаторлар иккала эндофитнинг иккиламчи метаболитлар ҳосил бўлишини оширди, аммо ишлаб чиқарилган иккиламчи метаболитларнинг ингибитор фаоллигини сезиларли даражада оширмади. Шундай қилиб, кварцетин, 5-азацитидин ва никотинамид иштирокида ўсишнинг 7-кунинида *P. brevicaule alba-CC200* иккиламчи метаболитлар ҳосил бўлиши $150 \pm 0,31$ мг/г, $120 \pm 0,29$ мг/г ва $80 \pm 0,30$ мг/г ни, *A. egypticus-HT166S* да $24 \pm 0,27$ мг/г, $41 \pm 0,30$ мг/г ва $58 \pm 0,29$ мг/г ва назорат билан солиштирилганда $90 \pm 0,23$ мг/г ва $28,5 \pm 0,24$ мг/г ни ташкил қилди (4-расм).



4-расм. Эпигенетик модификаторларнинг *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* иккиламчи метаболитларини ҳосил бўлиши ва α -амилаза ингибитори фаоллигига таъсири

Иккиламчи метаболитларни ажратиб олиш учун олинадиган бирикманинг табиатига қараб турли хил қутбلى ва қутбсиз эритувчиларидан фойдаланилади. Биз *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* штамлари суяқ ва стационар шароитда ўстирилган биомассалар 7 хил эритувчилар этилацетат, метанол, этанол, ацетонитрил, сув, гексан ва бутанол билан экстракция қилиб иккиламчи метаболитларнинг ингибитор фаоллигини аниқладик. Этилацетат билан экстракция қилинганда *P. brevicaula alba-CC200* иккиламчи метаболитлар $90 \pm 0,23$ мг/г ва ингибитор фаоллик $81 \pm 0,26\%$ ни, *A. egypticus-HT166S* штаммида иккиламчи метаболитлар $28,5 \pm 0,24$ мг/г ва ингибитор фаоллик $76 \pm 0,22\%$ ни ташкил қилди. Юқори ингибитор фаолликка эга метаболитларни ажратиб олиш учун *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* бошланғич этилацетат экстракти метанол, гексан, сув ва бутанол билан (1:1) аралашмаси кетма-кет экстракция қилинди. Тўртта фракция олинди: метанол, гексан, сув ва бутанол. Дифференциал фракциялаш натижасида экстракт миқдори ва ингибитор фаоллигининг асосий қисми метанол фракциясига ўтганлиги аниқланди. Бунда, *P. brevicaula alba-CC200* да $78 \pm 0,21$ мг ва $80,7 \pm 0,25\%$ ни, *A. egypticus-HT166S* да $19 \pm 0,26$ мг ва $75,4 \pm 0,27\%$ ни ташкил қилди.

Олинган метанол фраксияларининг сифат таҳлили шуни кўрсатдики, саккизта кимёвий синф бирикмаларидан (терпеноидлар, сапонинлар, феноллар, алкалоидлар, антрахинонлар, юрак гликозидлари ва флавоноидлар) *P. brevicaula alba-CC200* штаммининг метанол фракциясида учта бирикмалар синфи - терпеноидлар, сапонинлар ва юрак гликозидлари, *A. egypticus-HT166S* штаммининг метанол фракциясида терпеноидлар, антрахинонлар, флаваноидлар ва танинлар мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* метанол фракциялари юққа қатламли хроматография (ЮҚХ) усули билан таҳлил қилинди. Бензол: метанол (5: 1) элюент тизимидаги метанол фракциясининг хроматография натижалари *P. brevicaula alba-CC200* штаммида 6 та ва *A. egypticus-HT166S* штаммида 12 та Rf қийматларига эга бўлган моддалар ажралди. *P. brevicaula alba-CC200* штаммининг хроматографик пластинкадаги №5 ва №6 қийматларининг ингибитор фаолликлари

72,6±0,37% ва 60,5±0,38% эканлиги аниқланди. Rf қийматлари 0,86 ва 0,74 бўлган *A. egypticus-НТ166S* штаммининг ингибитор фаоллиги 72,9 ± 0,36% ва 41,8 ± 0,34% ни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

P. brevicaula alba-CC200 ва *A. egypticus-НТ166S* метанол фракцияларининг ЮҚХ тасвири

<i>P. brevicaula alba-CC200</i>				<i>A. egypticus-НТ166S</i>			
	№	Rf қиймати	α-амилаза ингибиторлиги, (%)		№	Rf қиймати	α-амилаза ингибиторлиги, (%)
	1	0,83	15,3±0,35		1	0,97	4,3±0,38
	2	0,74	29,3±0,41		2	0,86	72,9±0,36
	3	0,59	13±0,38		3	0,74	41,8±0,34
	4	0,57	37,6±0,36		4	0,60	21±0,41
	5	0,49	72,6±0,37		5	0,54	5,7±0,38
6	0,46	60,5±0,38	6		0,52	25,1±0,34	
			7		0,48	27,2±0,36	
			8		0,44	12,5±0,36	
			9		0,37	6,1±0,39	
			10		0,30	-	
			11		0,22	-	
			12	0,13	-		
Элюент тизими бензол:метанол (5:1) нисбатда. Фосфор-молибден кислотасининг 20% спиртдаги эритмаси билан ишлов берилган				Элюент тизими бензол:метанол (5:1) нисбатда. 254 нм ультрабинафша нур остидаги тасвири			

ЮҚХ томонидан ажратиб олинган юқори фаол ингибитор моддаларни сифат реакциялари ўтказилганда *P. brevicaula alba-CC200* да сапонинлар, *A. egypticus-НТ166S* да флавоноидларга хос тестлар ижобий натижаларни кўрсатди. Иккала штаммининг метанол фракциялари адсорбцион колонка хроматографияси усули билан тозаланди (2-жадвал).


2-жадвал

P. brevicaula alba-CC200 ва *A. egypticus-НТ166S* метанол фракциясининг колонка хроматография усули билан тозиланган намуналарнинг қурук миқдори ва α-амилазага ингибитор фаоллиги

<i>P. brevicaula alba-CC200</i>				<i>A. egypticus-НТ166S</i>			
№	Намуна лар	Қурук оғирлиги, (мг)	α-амилаза ингибиторлиги, (%)	№	Намуна лар	Қурук оғирлиги, (мг)	α-амилаза ингибиторлиги, (%)
Қурук метанол фракцияси 500 мг			80,7±0,25	Қурук метанол фракцияси 500 мг			75,4±0,27
1	A-1	25±0,36	-	1	A-1	27±0,29	14,6±0,29
2	B-2	31±0,32	-	2	B-2	33±0,27	15,2±0,29
3	C-3	43±0,39	12,4±0,27	3	C-3	40±0,37	28,6±0,30
4	D-4	61±0,38	-	4	D-4	31±0,35	17,7±0,27
5	E-5	76±0,32	15,6±0,29	5	E-5	32±0,33	25±0,28
6	F-6	59±0,43	-	6	F-6	17±0,43	15±0,34
7	G-7	98±0,39	76,5±0,27	7	G-7	31±0,43	24,3±0,29
8	H-8	51±0,40	27,2±0,28	8	H-8	21±0,37	7±0,26
9	J-9	15±0,44	-	9	J-9	42±0,39	24±0,30
				10	K-10	71±0,40	76,2±0,29
				11	L-11	41±0,41	28,2±0,28
				12	M-12	38±0,38	19,6±0,30
				13	N-13	26±0,39	15,6±0,33
				14	O-14	15±0,37	18,8±0,31



P. brevicaula alba-CC200 штамми G-7 фракциясининг ингибитор фаоллиги $76,5 \pm 0,27\%$ ва *A. egypticus-HT166S* штамми K-10 фракциясининг ингибитор фаоллиги $76,2 \pm 0,29\%$ ни ташкил қилди. Вакумли буғлатиш йўли билан фаол намуна куритилганда G-7 фракцияси оқ аморф кукун ҳосил қилиб унинг куруқ миқдори $98 \pm 0,39$ мг ни ташкил этди. K-10 фракцияси вакумли буғлатиш йўли билан куритилганда сариқ кукун ҳосил бўлди.

ЎзР ФА Биоорганик кимё институти илмий ходимлари билан биргаликда тозаланган фракцияларни масс-спектрометрия таҳлили ёрдамида идентификация қилинди. Натижада *P. brevicaula alba-CC200* штаммининг юқори ингибитор фаоллигига эга G-7 фракцияда 803,7 m/z, 391,3 m/z ва 605,7 m/z малекуляр массаларга эга бўлган бирикмалар аниқланди. Илмий манбаларга кўра 803,7 m/z малекуляр массага эга моддалар пентациклик тритерпен сапонинларни ташкил қилади. Шу муносабат билан, 803,7 m/z малекуляр массасига кўра, тозаланган фракциянинг ингибитор фаоллиги пентациклик тритерпен сапонинлар билан боғлиқ. Шунингдек, *A. egypticus-HT166S* штаммининг K-10 фракцияси масс-спектрометрия ёрдамида таҳлил қилинганда 327,0 m/z, 345,0 m/z ва 359,0 m/z малекуляр массаларга эга бўлган бирикмалар аниқланди. Натижада 327,0 m/z, 345,0 m/z ва 359,0 m/z малекуляр массаларга эга бўлган бирикмалар полиметоксилланган флавоноидлар (ПМФ) эканлиги илмий манбалардан маълум бўлди. ПМФ – флавоноидларнинг кичик синфига мансуб бўлиб, унда гидроксилларни деярли барчаси метилланиш билан тўсиб қўйилган (5-расм).



5-расм. Тозаланган фаол намуналарнинг масс-спектрометрия анализи. а) *P. brevicaula alba-CC200* тозаланган фаол фракциясининг G-7 намунаси. б) *A. egypticus-HT166S* тозаланган фаол фракциясининг K-10 намунаси


Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичида *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* метанол фракцияларининг биологик фаолликлари ўрганилди. Танланган штаммлар экстрактларининг турли концентрациялари ингибитор фаоллиги ва IC_{50} қиймати бўйича акарбоза тижорат препарати билан таққосланди. IC_{50} биологик маҳсулот самарадорлигининг кўрсаткичи бўлиб, у 50% таъсир қилиш учун зарур бўлган модданинг миқдорини белгилайди, бу қиймат қанчалик паст бўлса модданинг таъсири шунчалик юқори бўлади (6-расм).



6-расм. *P. brevicaulis alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* метанол фракцияларининг ингибитор фаоллиги ва IC₅₀ қийматлари.

P. brevicaulis alba-CC200 ва *A. egypticus-HT166S* метанол фракцияларининг 25 мг/мл концентрацияси α-амилаза ингибиторлигининг юқори фаоллигини таъминлади. Шунингдек, тижорат ингибитори аскарбозанинг IC₅₀ қиймати 0,57 мг/мл ни, *A. egypticus-HT166S* метанол фракцияси IC₅₀ қиймати 0,68 мг/мл ва *P. brevicaulis alba-CC200* метанол фракциясининг IC₅₀ қиймати 0,49 мг/мл ни ташкил қилди. Бу эса *P. brevicaulis alba-CC200* метанол фракцияси тижорат ингибитори аскарбозага нисбатан паст концентрацияда ҳам юқори ингибитор фаолликка эга эканлигини кўрсатади.

Қандли диабетда гипергликемия туфайли фаол эркин радикалларнинг ортиқча шаклланиши кузатилади. Эркин радикалларнинг кўпайиши диабет ва унинг асоратларини тезлаштиради. Антиоксидант воситалари билан оксидловчи стрессни камайтириш, диабет билан боғлиқ асоратларни камайтиришнинг самарали стратегиясидир. Антиоксидант фаоллигини аниқлаш учун *P. brevicaulis alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* эндофит замбуруғларининг метанол фракциялари олинди. *In vitro* шароитда антиоксидант фаоллигини аниқлаш учун 2,2-дифенил-1-пикрилгидразил (ДФПГ), водород пероксид (H₂O₂) ва фосфомолибден (ФМ) усулларидан олинган натижалар асосида IC₅₀ қийматлари ҳисобланди (7-расм).




7-расм. *P. brevicaulis alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* метанол фракцияларининг антиоксидант фаолликларини аскарбин кислота фаоллигига нисбатан IC₅₀ қийматлари

Шу билан бирга, *P. brevicaulis alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* штаммларининг ДФПГ учун IC₅₀ қийматлари 1,55 мг/мл ва 1,14 мг/мл ни,

аскорбин кислотатада 0,91 мг/мл ни, H₂O₂ учун IC₅₀ қийматлари мос равишда 0,67, 0,46 ва 0,40 мг/мл ни, шунингдек ФМ учун IC₅₀ қийматлари мос равишда 0,59, 0,46 ва 0,40 мг/мл ни ташкил қилди. Эндофит замбуруғларининг экстрактлари антиоксидант таъсирига эга бўлиб, 2-тоифа диабет касаллигини даволашда янада самарали ҳисобланади.

P. brevicaule alba-CC200 ва *A. egypticus-HT166S* экстрактининг метанол фракциялари диффузия-чуқур усули ёрдамида қуйидаги шартли патоген бактерияга қарши фаоллиги аниқланди: *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Bacillus subtilis* ва *Staphylococcus aureus* (8-расм ва 3-жадвал).



8-расм. *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* метанол фракцияларининг антибактериал фаоллиги
166 - *A. egypticus-HT166S*; 200 - *P. brevicaule alba-CC200*; ДМСО - диметил сулфоксид; Цев – Цефтриаксон

3-жадвал

P. brevicaule alba-CC200 ва *A. egypticus-HT166S* метанол фракцияларининг патоген микроорганизмлар ўсишини ингибирлаш зоналари

№	Штамм	Антибактериал фаоллик (ўсишини ингибирлаш зоналари (мм))			
		<i>S. aureus</i>	<i>B. subtilis</i>	<i>P. aeruginosa</i>	<i>E. coli</i>
1	<i>P. brevicaule alba-CC200</i>	18±0,19	17±0,18	17±0,17	18±0,17
2	<i>A. egypticus-HT166S</i>	17±0,17	-	-	13±0,16
Антибиотик					
3	Цефтриаксон	23±0,01	27±0,01	21±0,02	26±0,01
4	ДМСО	-	-	-	-

Ҳар иккала штаммлар метанол фракцияларининг 10 мг/мл концентрациялари грамм-мусбат ва грамм-манфий шартли патоген бактерияларига антибактериал фаоллиги аниқланди. Шунингдек, *P. brevicaule alba-CC200* нинг метанол фракцияси сезиларли антибактериал фаолликка эга эканлиги аниқланди: *S. aureus*, *P. aeruginosa*, *B. subtilis* ва *E. coli* шартли патоген бактерияларининг ўсишини ингибирлади.

Шундай қилиб, олинган маълумотларга кўра, *P. brevicaule alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* эндофит замбуруғининг метанол фракциялари ингибиторлик билан бирга антиоксидант, антибактериал намоён қилади, бу

эса уларнинг комплекс антидиабет воситалар сифатида салоҳиятини оширади.

2 хил синовдан ўтган усуллар сифатида Чапек озуқа муҳитида суяқ остириш йўли билан олинган ферментация субстратидан α -амилаза ингибиторини олишнинг энг самарали ва тежамкор усули деб белгиланди. Бу усул асосида α -амилаза ингибитори *P. brevicaula alba-CC200* эндофит замбуруғидан куруқ экстракт олишнинг лаборатория усули ишлаб чиқилди. Натижада, α -амилаза ингибиторини 10 вазн % (вазн/вазн; W/W) ҳосил қилиши билан олинади.

“MED STANDART” МЧЖ илмий маркази томонидан “*Penicillium brevicaula alba Thom-CC200* эндофит замбуруғининг куруқ экстракти” препаратининг аллоксан кўзғатувчи қандли диабет билан оғриган экспериментал ҳайвонларда ўтказилган клиникадан олдинги синовлари конда глюкоза, холестерин пасайганлигини, паст зичликдаги липопротеинлар (ПЗЛП) ва жуда паст зичликдаги липопротеинлар (ЖПЗЛП), юқори зичликдаги липопротеинлар (ЮЗЛП), триглицеридлар ва бир қатор ферментлар даражасининг ошиши кузатилди.

ХУЛОСА

1. Озуқа муҳитларини скрининг қилинганда Чапек-Докс муҳити асосий озуқ сифатида танланди, бунда иккиламчи метаболитларнинг энг юқори ҳосил бўлишини таъминлаган ҳолда, *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* штамmlарининг ингибитор фаоллиги суяқ ўстиришнинг 7-кунида 81% ва 76% ни ташкил этди. *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* Чапек-Докс муҳитида ўстирилганда озуқа муҳитининг асосий компонентлари (углерод ва азот манбалари)нинг оптимал нисбатлари танланди. Натижада, штамmlарнинг α -амилазага қарши ингибитор фаоллиги дастлабки 81% ва 76% дан 94,3% ва 88% га кўтарилганлиги қайд этилди.

2. Қаттиқ фазали ферментация шароитида буғдой кепаги жўхори шарбати билан намлантирилганда *P. brevicaula alba-CC200* штамми 91,8% гача, *A. egypticus-HT166S* 82% гача ингибитор фаоллигини оширади, бу ингибиторларни олишнинг муқобил усули сифатида ҚФФ самарадорлигини кўрсатади. Ўсимлик экстрактлари ва эпигенетик модификаторларнинг таъсирини ўрганишда уларнинг ўсиши ва иккиламчи метаболитларнинг тўпланишига ижобий таъсирини намоён қилди.

3. Дифференциал фракциялаш натижасида биоактив метаболитларнинг асосий қисми этилацетат экстрактдан метанол фракциясига ўтиши аниқланди. Бунда, *P. brevicaula alba-CC200* метанол фракцияси 78 мг ва 80,7%, *A. egypticus-HT166S* 19 мг ва 75,4% ни ташкил қилди.

4. *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* метанол экстрактларини адсорбсион колонкали хроматография усулида тозалаш натижасида ингибитор фаоллиги 76,5% ва 76,2% бўлган энг фаол фракциялар аниқланди. LC-MS таҳлили натижасида *P. brevicaula alba-CC200* нинг

ингибитор фаоллиги тритерпен сапонинлар, *A. egypticus-HT166SC* нинг ингибитор фаоллиги полиметоксилланган флавоноидлар билан боғлиқлиги аниқланди.

5. *E. coli*, *S. aureus*, *P. aeruginosa*, *B. subtilis* шартли патогенларига қарши ҳар иккала штаммларининг метанол фракциясининг антибактериал фаоллигини ўрганишда *P. brevicaula alba-CC200* нинг метанол фракцияси антибактериал таъсирга эга эканлиги аниқланди, бу эса бир вақтнинг ўзида 4 шартли патогенларга юқори ингибитор таъсир кўрсатади. *P. brevicaula alba-CC200* ва *A. egypticus-HT166S* метанол фракциялари шунингдек, антиоксидант фаолликка эга аскорбин кислотасининг антирадикал фаоллигини баҳолаш шуни кўрсатдики, штаммларнинг метанол фракциялари ДФПГ, водород пероксид ва фосфомолибден радикаллари боғлаш хусусиятига эга эканлигини кўрсатди, улар юқори антиоксидант фаолликка эга бўлган гуруҳга тегишли бўлиб, уларни кейинги тадқиқотлар учун истиқболли деб қайд этилди.

6. Лаборатория регламенти ишлаб чиқилди, унда α -амилаза ингибитори бўлган *P. brevicaula alba-CC200* эндофит замбуруғидан қуруқ экстракт олишнинг технологик схемаси таклиф қилинган ва қўлланилмоқда. Натижада, α -амилаза ингибиторини 10 вазндаги % (вазн/вазн; W/W) олинди.

7. “MED STANDART” МЧЖ илмий марказида “*Penicillium brevicaula alba Thom-CC200* эндофит замбуруғининг қуруқ экстракти” препаратининг *in vivo* жонли ҳайвон намуналарида диабетга қарши фаоллиги бўйича клиникадан олдинги тадқиқотлар ўтказилди. Натижада, ушбу препарат мос дори препаратлардан кам бўлмаган ишончли антидиабетик фаолликка эга эканлиги, экспериментал диабет шароитида глюкоза, липидлар ва бир қатор ферментларни нормаллаштириши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.38.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИКРОБИОЛОГИИ
АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

МУХАММЕДОВ ИҚБОЛ ИЛХОМ ЎҒЛИ

**СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА ИНГИБИТОРОВ ФЕРМЕНТА
ПАНКРЕАТИЧЕСКОЙ α -АМИЛАЗЫ, ПОЛУЧЕННЫХ ИЗ
ЭНДОФИТНЫХ ГРИБОВ *PENICILLIUM BREVICAULE ALBA-CC200* И
*ASPERGILLUS EGYPTICUS-HT166S***

03.00.12 – Биотехнология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.3.PhD/B417

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (info-microbio@academy.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Рузиева Дилором Муталибовна
кандидат биологических наук

Официальные оппоненты: Тошмухаммедова Шохиста Собировна
доктор биологических наук, профессор

Махсумхонов Ахмаджон Азамхонович
кандидат биологических наук

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет


Защита диссертации состоится «17» февраль 2022 года в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.38.01 при Институте микробиологии (Адрес: 100128, г.Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Кадырий, 7Б, конференц-зал Института микробиологии. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: info-microbio@academy.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистрировано за №___). Адрес: 100128, г.Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Кадырий, 7Б, административное здание Института микробиологии, 5-й этаж, библиотека. Тел.: (+99871) 241-92-28.


Автореферат разослан: « 4 » февраль 2022 г.

(реестр протокола рассылки № 2 от « 4 » февраль 2022 г.).




Арипов Тахир Фатихович
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор, академик


Жураева Рохилия Назаровна
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.б.н. старший научный сотрудник


Гулямова Ташхан Гафуровна
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире борьба с заболеванием сахарного диабета является одной из актуальных и устойчивых направлений системы здравоохранения. По данным Международной диабетической федерации в мире порядка 415 миллионов людей больны диабетом. Из них 90% случаев диабета составляет сахарный диабет 2 типа, который приводит к серьезным осложнениям, таким как нефропатия, ретинопатия и сердечно-сосудистые заболевания. В последние годы доказана клиническая эффективность сахароснижающих препаратов при лечении диабета 2 типа. Следует отметить, что коммерческие ингибиторы панкреатической α -амилазы (Акарбоза, Миглитол) обладают рядом серьезных побочных гастроинтестинальных явлений, осложняющих лечение диабета. В этой связи, исследования направлены на создание натуральных гипогликемических препаратов профилактического и терапевтического назначения из природных источников являются актуальными.

Во всем мире естественные вторичные метаболиты противодиабетических растений и их эндофиты, обладающие ингибирующей активностью, широко используются в фармацевтике в качестве источников для получения новых лекарственных препаратов. Эндофитные грибы лекарственных растений за счет способности синтезировать те же самые вещества, что и растение-хозяин, в том числе и ингибиторы α -амилазы, являются весьма перспективным объектом как альтернативные продуценты гипогликемических соединений с минимальными побочными эффектами. Эндофиты являются быстро растущим и легко воспроизводимым источником вторичных метаболитов с уникальной структурой, включая алкалоиды, хиноны, флавоноиды, терпеноиды и др., которые помимо антиоксидантных, антимикробных, иммуномодуляторных, антиканцерогенных и других свойств обладают гипогликемическим действием. В этой связи исследования, направленные на изучение эндофитных грибов антидиабетических растений - перспективных продуцентов гипогликемических соединений, с целью создание на их основе новых ингибиторных препаратов с высокой терапевтической активностью представляют научный интерес и имеют практическое значение.

В целях обеспечения населения Узбекистана качественными и высокоэффективными лекарственными препаратами уделяется большое внимание выделению и внедрению в практику биологических активных веществ выделенных из местных промышленно-важных штаммов грибов. В этой связи, получены определённые результаты по отбору активных эндофитных грибов и оценке их практического значения. В четвёртом перспективном направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи «дальнейшее развитие фармацевтической промышленности и улучшение обеспечения населения и медицинских учреждений доступными, качественными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения, реализация мер по

недопущению необоснованного роста цен на них, обеспечение снижения показателей заболеваемости и повышения продолжительности жизни населения»¹. В целях реализации поставленных задач, исследования по выявлению и изучению природы гипогликемических соединений, продуцируемых эндофитными грибами лекарственных растений, проведение исследований по сравнительной оценке их использования в качестве альтернативных источников для разработки методов получения препаратов противодиабетического назначения являются актуальными и своевременными.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.» от 7 февраля 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-3489 «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения» от 23 января 2018 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-4554 «О дополнительных мерах по углублению реформ в фармацевтической отрасли Республики Узбекистан» от 30 декабря 2019 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармацевтика».

